

**Судлар жабрланувчига жиноят оқибагида етказилган моддий зарарни ундиришда фуқаровий даъвонинг асослилигини текширишлари лозим.**

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги **"Жиноий ҳаракатлар оқибагида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида"**ги қарорининг еттинчи бандида, фуқаровий даъво масаласини ҳал этишда суд Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддасига биноан айблов ҳукмининг тавсиф қисмида даъвони тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ёки уни рад этиш асосларини, жиноят оқибагида етказилган зарарнинг моҳияти ва ҳажмини кўрсатиши, шунингдек, зарар миқдорининг тегишли ҳисобларини келтириши, фуқаровий даъвони ҳал қилишда асосланилган қонунни кўрсатиб ўтиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 2012 йил 6 мартдаги ҳукмига асосан, Жиноят кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан судланган А.дан жабрланувчи У. фойдасига 7 миллион сўм моддий зарарни ундиришда қайд этилган қонун талаби ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя этмаган.

Иш ҳолатига қараганда, дастлабки тергов органи йўл ҳаракати ҳодисаси натижасида ҳар иккала автомашинага етказилган моддий зарарнинг миқдорини аниқлаш чорасини кўрмаган.

Суд эса, дастлабки тергов органининг камчилигини бартараф этмасдан, жабрланувчи У.га ҳақиқатан ҳам, 7 миллион сўм моддий зарар етказилганлигини текширмасдан, унинг даъвосини қаноатлантириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Оқибатда суд қарорларининг судланган А.дан жабрланувчи У. фойдасига моддий зарарни ундиришга оид қисми бекор қилиниб, жиноят иши янгитдан судда кўриш учун юборилди.

***ЖСХ-167-12 сонли ажрим***